

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

А.Солиев, Д.Аблязов, Б.Тўланов

Фаргона давлат университети ўқитувчилари

Аннотация: Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ривожини таъминловчи инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, бу жараён алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади.

Ушбу мақолада мусиқа таълимида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: мусиқа, таълим, адабиёт, санъат, технология.

Халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари муҳим давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, (1997 йил 29-август) “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил 29-август) да истеъдодли болаларни излаб топиш, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш каби муаммолар узлуксиз таълим жараёнининг муҳим педагогик масаласи сифатида кўрсатиб ўтилган. Ўқувчиларнинг бадиий ижодиёт соҳасидаги иқтидорларини рўёбга чиқаришда, уларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришда компьютер технологияси алоҳида ўрин эгаллайди.

Мусиқа – инсонларни эзгулик оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади.

Мусиқа шундай воситаки, у янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, инсон руҳий оламига бевосита таъсир кўрсатади, тингловчи дунёқарашини шакллантиради. Шунингдек, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойитади.

Янги таълим стандартларни ўзлаштириш мустақил фикр юритишга ундаш, инноватцион ғоялар асосида иш олиб бориш бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш, таълимнинг сифат кўрсаткичини кафолатлашда замонавий технология ҳал қилувчи омиллардан бўлиб бормоқда.

28 май 2012 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”*ги 1761-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бешинчи бандида “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази: таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“case study”, ўқув лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим усули ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа

тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқсин” – деб таъкидланган.

Ушбу қарорнинг олтинчи бандида “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тармоқ (базавий) касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашлари бўйича доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил қилсин” – дея ўқитишни замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу қарорлар таълим самарадорлигини ошириш, замонавий педагогик технология ва интерфаол усуллардан ўқув жараёнида қўллаш ҳамда мусиқий таълим-тарбияни ривожлантириш борасида беқиёс имкониятларни яратишда муҳим дастури амал бўлиб келмоқда.

Олийгоҳларда, касб-ҳунар коллежларида, ўрта таълим мактабларида ва мусиқа санъат мактабларида мусиқа йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга “Sibelius” дастуридан фойдаланиш, мусиқа дарси ва дарсдан ташқари мусиқий машғулот ишларини самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларида белгиланган меъёрларни таълим олувчилар томонидан осон ўзлаштириш, замонавий педагогик технология ва инноватцион ғоялар ўқув жараёнида қўллаш, ўқитувчи ва ўқувчини илмий-изланишларга йўналтириш соҳасида бир қанча қулайликларни яратади.

Мусиқа ўқитувчиси яхши созанда ва яхши санъаткор бўлиши билан бирга компьютер технологияларини, жумладан нота муҳаририда ишлашни билмоғи лозим. Чунки, нота муҳаррирининг имкониятлари таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда нота матнлари билан ишлаш, ўқув-услугий ва методик қўлланмаларни яратиш, мусиқий асарларни таҳлил қилиш, назарий билимларни ўзлаштириш, ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш каби фаолиятларни бир қадар осонлаштиради.

2022 йил 3-февралда Президент Шавкат Мирзиёев “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасини чала олиш маҳорати ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари (шаҳодатномаси)да тегишли қайд этилади”-дейилган.

Мусиқа фани ўқитувчиларининг миллий чолғулардан камида биттасини, 2023/2024-ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасини чала олиш маҳоратига эга бўлиш мажбурий этиб белгиланди.

Sibelius – сизга маълум бўлганидек икки турдаги: бир томондан партитура ноталарини (матн таҳририга ўхшаб) териш, иккинчи томондан эса мусиқа яратиш ва уни таҳрирловчи дастурдир.


Шу ўринда 2010 йилда Ал-Хоразмий номли Урганч давлат университети “Муסיкий таълим” йўналиши кафедраси ўқитувчилари; Ҳ.Жуманиёзов, Б.Рахимовлар томонидан тайёрланган “Нота муҳаррири Sibelius 4” бўйича ўқув қўлланмаси ўқувчилар диққатига ҳавола қилинган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Sibelius 4 бўйича инглиз тилида қизиқарли маълумотлар ва баъзи нота мисоллари келтирилган анча яхши маълумотнома мавжуддир. Ушбу ўқув қўлланмада дастур имкониятлари батафсил ва тушунарли тилда баён қилинган. Ундан ташқари ўқув қўлланмани яратишда асосий эътибор барча функцияларнинг аниқ тавсифига эмас, аксинча ўқитишнинг амалий томонига қаратилган.

Қўлланмада динамик партиялар яратиш, партитура билан паралел равишда таҳрир қилиш, “ишчи варақ”ларини яратиш (ўзбекча дастурда – ён дафтарча – «блокнот») имкониятлари орқали 1700 тайёр андозаларни тайёрлаш, муסיкий мисолларни ва бошқа педагогик материалларни киритиш фаолиятларини ўз ичига олади, улар эса ўз навбатида муסיкий таълим даргоҳлари педагогларига катта ёрдам беради.

Шунингдек, дастур орқали партитурага овозли видео клип яратиш имконини берувчи видеороликларни киритиш, Microsoft Wordга (расм сифатида) нота парчаларини киритиш, 12 янги плагинлар (қўшимча модуллар)дан фойдаланиш, қўшимча нота шрифтлари билан ишлаш, лига ва боғловчи нурларнинг анча аниқ кўринишларидан фойдаланиш, нота матнларини тинглаш, бошқа форматдаги ёзув кўринишига ўтказиш (экспорт қилиш) каби қулайликлар мавжуд.

Ҳозирги кунда ушбу нота муҳаррирининг Sibelius 7 ва Sibelius 8 каби янги авлодлари яратилган бўлиб, 2007 ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқилган Microsoft office дастурларида ишлашга мўлжалланган. Яъни, меню буйруқлари ва асбоблар панели Microsoft office 2007 ва ундан кейинги office дастурлари андозасида тузилган. Барча асбоблар панели номланиши билан бирга ўз тугмачаларига эга. Бу эса ўз навбатида расм кўринишидаги тугмачалардан тез ва самарали фойдаланишга имкон яратади.



Юқоридаги дастурни муסיқа таълими жараёнига жорий қилиш орқали таълим олувчиларда муסיқий тафаккур, ахборот технологиялар воситасида бастакорлик, ижодкорлик техникасини шакллантириш, муסיқий қобилиятларини ривожлантириш юзасидан услубий қулайликларга эришиш мумкин. Таълим олувчиларда муסיқий-назарий ва ихтисослик фанларига бўлган қизиқишини янада оширади. Дастурдаги матнлар устида ишлаш ва чолғу асбоблари ижросида тинглаш каби қулайликлар, услубий жиҳатдан назарий билимларни қўллаш ва уларга амалий ёндашиш имкониятини беради. «Сибелиус» дастуридан фойдаланиш орқали таълим олувчиларда муסיқа назарияси ва классик гармониянинг асосий қонуниятлари ҳақидаги назарий маълумотлар қўламини кенгайтириш ва муסיқий таҳлилни амалий ўзлаштириш жараёнини бир мунча осонлаштириш имконияти мавжуд.

Ушбу мақола орқали олийгоҳларда, касб-ҳунар коллежларида, ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган бўлажак ҳунар эгалари, муסיқачиларнинг ҳозирги замон талаблари асосида пухта касбий тайёргарликка эга бўлишлари учун, «Сибелиус» дастурини фан ёки ўқув курси сифатида, ўқув дастурга киритиш ғоясини илгари сурмоқчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муסיқий таълимда компьютер технологиялари “Sibelius 4” Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат Университети ўқитувчилари Х. Жуманиёзов Б. Рахимов. Урганч 2010 й.
2. Kipchakova, Y. (2021). METHODOLOGICAL AND DIDACTIC ASPECTS OF INFORMATION AND INTELLECTUAL CULTURE IN THE EDUCATION OF A DEVELOPED GENERATION. *Экономика и социум*, (6-1), 156-159.
3. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 29-31.
4. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.
5. Jabborova, M. (2022). BO'LAJAK PEDAGOGLARNI TAYYORLASH TIZIMIDA MALAKAVIY AMALIYOTNING ROLI. *Scientific progress*, 3(4), 167-173.
6. Kodiraliyeva, J. M. (2022). TARBIIYACHI KASBINING MA'NAVIY AXLOQIY NEGIZLARI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 64-70.
7. Zhabborova, M. R. K. (2021). Мактабгача таълим соҳаси талабаларида бошқарувчанлик қобилиятларини ривожлантириш. *Молодой ученый*, (17), 394-395.
8. Zukhrakhon, B. (2021). About the analysis of the potential of teaching staff in monitoring preschool education. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1120-1126.

9. Botirova, Z. A. (2019). THE THEORETICAL ANALYSIS OF THE APPLICATION OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF PRESCHOOL EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 266-269.

10. Dilafruz, Y., Marifatxon, J., Rasuljonovna, E. Z., & Muqaddasxon, M. (2022). МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМГА YANGICHA YONDASHUV. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 121-125.

11. Ботирова, Н. (2020). Обучающие возможности тестовых технологий. *Профессиональное образование и общество*, (3), 68-71.

12. Ботирова, Н. Д. (2019). РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ. *Гуманитарный трактат*, (61), 4-6.

13. Ботирова, Н. Д. РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ DEVELOPMENT OF PRODUCTIVE THINKING OF YOUNGER SCHOOLBOYS. *Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на*, 4.

14. Djurabaevna, B. N., & Ibrokhimovna, T. S. (2020). Specific features of teaching mathematics in primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(8), 302-307.

15. Alimjonova, M. Y. (2021). The role of the national values in the history of pedagogical education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1040-1044.